

Мирзохид РАИМОВ, Жавлонхон НУСРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ЛОЙИҲАЛАРНИ БАНК КРЕДИТЛАРИ ВОСИТАСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аннотация: Бугунги кундаги кенг қамровли модернизациядаш жараёнида инвестиция лойиҳаларининг ўрни ниҳоятда беқиёсдир. Иқтисодиётнинг жадал ўсиб боришида маҳаллий ва хорижий инвесторлар лойиҳаларининг ўрни юқори босқичга кўтарилди. Мазкур мақолада лойиҳаларнинг юртимиз иқтисодиётидаги аҳамияти ва уларни молиялаштириш босқичида тижорат банклари ўзларининг кредит воситалари билан самарали иштирок этиш масалалари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Инвестиция лойиҳалари, тижорат банклари, тадбиркорлик субъектлари, кредит, иқтисодиёт, гаров таъминоти.

EFFECTIVE ORGANIZATION OF PROJECT FINANCING THROUGH BANK LOANS

Abstract: The role of investment projects in today's comprehensive modernization process is extremely important. In the rapid growth of the economy, the role of local and foreign investors' projects has risen to a higher level. This article examines the importance of projects in the economy of our country and the effective participation of commercial banks with their credit instruments at the stage of their financing.

Keywords: Investment projects, commercial banks, business entities, credit, economics, collateral.

Кириш

Бугунги кундаги глобал рақобат шароитида иқтисодиёт тармоқларини ҳар томонлама ривожлантириш ва ҳар бир соҳанинг рақобатбардошлигини мунтазам ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу мақсадларга эришишда эса ҳар бир соҳага янгича ёндашув, ҳар томонлама етук тадбиркорларнинг инвестиция лойиҳалари ва бунинг пировардида янги маҳсулотлар яратиш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш талаб этилади. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда молиявий ресурсларни кенг жалб этиш лойиҳа самарадорлигининг асосий қисмларидан биридир. Ўз навбатида, молиявий ресурслар мамлакат иқтисодиётини ривожланиш босқичларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун катта аҳамият касб этиб, уларнинг молиялаштирилиши учун энг қулай восита бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, тижорат банкларининг молиявий хизматлари лойиҳаларни молиялаштиришда асосий манбалардан бири бўлиб, тадбиркорларга молиявий хизматларни кўрсатишда ёрдам беради ҳамда ўз лойиҳаларини самарали ташкил этиш ва узлуксизлиги таъминлашда муҳим имкониятлар яратади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестиция

лойиҳаларини кредитлаш жараёни тижорат банклари учун жаҳон молия бозоридаги ўз стратегиясини амалга оширишларида, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда ва ўзаро тажрибаларни алмашишда энг зарурий омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан замонавий технологияларни жалб этган ҳолда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётнинг локомативи ҳисобланган тижорат банкларининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилаётган лойиҳалар юртимизда саноат, хунармандчилик, касаначилик, чорвачилик, тикувчилик ҳамда ўрта ва йирик корхоналарнинг ишга тушишида асосий туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан янги иш ўринлари яратади. Демак, биз янги лойиҳаларни молиялаштириш орқали нафақат тадбиркорлик субъектларини балки, аҳолининг бандлиги ва ишсизлик даражасини минималлаштиришга ҳамда аҳолининг турмуш тарзи фаровонлигини таъминлашга эришамиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тижорат банкларида лойиҳаларни молиялаштириш, мазкур жараённинг инвестицион лойиҳалар кўламидаги алоҳида хусусиятлари юзасидан жуда кўп қарашлар мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда банкларнинг лойиҳаларни молиялаштириш фаоллиги ошиб боришида ушбу қарашлар янада долзарб кўриниш олмоқда. Бу борада Д. Хужамкулов ва Д. Исмаиловлар томонидан инвестицион лойиҳаларни кредит асосида молиялаштиришнинг афзалроқ томони сифатида фаолият юритаётган корхона учун модернизация, реконструкция ишлари ва керакли меъёردа ишлаб чиқариш қувватини таъминлашда, яъни корхона ишлаб чиқариш фаолиятни кенгайтирмоқчи бўлса, кредитдан фойдалангани маъқуллилиги, чунки, ишлаб турган корхона активлари ушбу кредитлар қайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши ҳақида атрофлича тадқиқ этилган [1].

Э. Насиров, Ш. Асамходжаева ва М. Алиқуловларнинг фикларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, улар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг бир қанча усуллари ҳақида алоҳида ўрганиб чиқилган. Жумладан, йирик инвестиция лойиҳаларини бир гуруҳ банклар билан биргаликда синдикатлаштирилган кредит асосида молиялаштириш, лойиҳаларни самарали рўёбга чиқиши учун мақсадли молиялаштириш кредит ресурсларидан кенг фойдаланиш, халқаро кредитлаш жараёнида молиялаштиришнинг махсус кредитлаш тури сифатида лойиҳавий молиялаштириш, узоқ муддатли лойиҳалаштириш ва бир қанча усуллари етарлича кўриб чиқилган [2].

Шу қаторда, лойиҳаларни банк кредитлари орқали молиялаштиришда Wouter Thierie ва Lieven De Moor каби хорижий олимларнинг тадқиқотларида лойиҳа, кредит, банк ва иқтисодий муҳитга таъсири бўйича таҳлиллар олиб борилган бўлиб, банкларнинг лойиҳаларни молиялаштиришдаги қарорлари инфратузилма лойиҳалари, давлат-хусусий шерикчилик ва нодавлат-хусусий шерикчилик лойиҳаларидаги қарз нархига таъсир этувчи асосий омиллар ҳақида тушунтириб ўтилган [3].


Иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасини ривожлантиришда банк кредит маблағларини жалб қилиш ўта муҳим масалалардан биридир. Шу сабабли, банк тизимида янги хизматларни жорий этиш ва уни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишга эътиборни кучайтиришни талаб этади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада лойиҳаларни молиялаштиришда банк кредит воситаларини самарали ташкил этилишини ўрганишда тизимли таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, анализ ва бошқа таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлиллар ва натижалар

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун 2022 йилда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 266,2 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ҳамда ушбу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги алоҳида эътиборга молик.



1-расм. 2018-2022 йилларда молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, млрд. сўмда [4]

2022 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган 266,2 трлн. сўмлик инвестициялардан, 59,4 фоизи ёки 158,1 трлн. сўми жалб қилинган маблағлар ҳисобидан, қолган 40,6 фоизи ёки 108,1 трлн. сўми корхона ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилди.

Ўз навбатида, банк тизимида олиб борилаётган самарали ислохатлар, жумладан, кредитлаш тартиб-таомилларини соддалаштириш, банкларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш орқали тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредит қўйилмаларининг ҳажми ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда.

1-жадвал.


2022-2023 йилларда юридик шахсларнинг тижорат банкларидаги кредит қўйилмалари ва уларга ажратилган кредитлар (тармоқлар кесимида), млрд. сўмда [5]

№	Тармоқлар	2023 йил 1 январь ҳолатига			2024 йил 1 январь ҳолатига		
		Банк кредит қўйилмаси	2022 йилда ажратилган кредит	Улуши (фоизда)	Банк кредит қўйилмаси	2023 йилда ажратилган кредит	Улуши (фоизда)
1	Саноат	126 646,6	60 198,7	48%	140 152,0	66 913,9	48%
2	Қишлоқ хўжалиги	42 096,4	15 963,9	38%	47 255,0	14 602,5	31%
3	Қурилиш	10 399,7	7 828,5	75%	12 274,7	6 826,8	56%
4	Савдо ва умумий овқатланиш	28 910,6	30 303,7	105%	32 515,5	30 511,1	94%
5	Транспорт ва коммуникация	29 672,6	7 217,8	24%	34 341,9	9 594,3	28%
6	Бошқалар	51 374,3	16 325,5	32%	56 245,1	22 718,1	40%
	Жами:	289 100,2	137 838,1	48%	322 784,2	151 166,7	47%

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, тижорат банкларида юридик шахсларнинг кредит қўйилмалари 2023 йил 1 январь ҳолатида 289,1 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2024 йил 1 январь ҳолатида 33,7 трлн. сўмга ўсишга эришиб 322,8 трлн. сўмни ташкил этган. Шунингдек, юридик шахсларга ажратилган кредитлар миқдори ўтган 2022 йилга нисбатан 13,3 трлн. сўмга ортиб 2023 йилда 151,2 трлн. сўмни ташкил этган ва бу эса тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватланганлигини кўрсатмоқда.

Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришнинг йилдан-йилга ўсиб боришида кредитлаш жараёнининг ликвидли гаров таъминоти билан қопланганлиги, фоиз ставкаси, лойиҳанинг ҳаётийлик даври мобайнида сарфланган маблағларнинг қоплаш муддати, келгусида ажратилган кредитлар ва лойиҳадан келадиган

даромадлар ҳамда лойиҳанинг рентабеллиги кўрсаткичлари муҳим ўрин тутмоқда. Яъни, лойиҳага ажратилаётган кредитлар миқдорининг ўсиши тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларнинг сифатлилигидан далолат бермоқда.



2-расм. Гаров талаб этиладиган кредитлар ва лойиҳаларни банк кредитлари орқали молиялаштирадиган корхоналар, жамига нисбатан фоизда [6]

Жаҳон банки маълумотларига асосан, инвестиция лойиҳаларини банк хизматлари орқали молиялаштирадиган тадбиркорлик субъектлари улуши ривожланган давлатларда бирмунча юқори ҳисобланади. Ривожланган амлакатларда ўртача 30-50 фоиз тадбиркорлик субъектлари ўз лойиҳаларини банк кредит воситалари орқали молиялаштиришса, Марказий Осиё мамлакатларида ушбу кўрсаткич 8,3 фоиздан 26,2 фоизгача бўлганлигини кўришимиз мумкин. Шу қаторда, ривожланган давлатларда кредитлаш жараёнида гаров талаб этиладиган кредитлар улуши 23,8 фоиздан 61,6 фоиз атрофида бўлса, мазкур кўрсаткич Марказий Осиё давраларида ўртача 80 фоиз ва ундан юқорилигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Республикаимизда тадбиркорларнинг лойиҳаларни молиялаштиришда банк кредит воситалари орқали молиялаштиришни самарали ташкил этиш бўйича умумлаштирилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали янги лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш. Бунинг учун, янги молиявий воситаларни жорий этиш, яъни омонат ва депозитлар учун жозибадор имтиёз турларини ишлаб чиқиш, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш орқали хорижий молия бозорларидан узоқ муддатли ресурслар жалб этиш чораларини кўриш;

Банк рискларини камайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган лойиҳа ҳужжатларини, жумладан, бизнес-режа, пул оқими кўрсаткичлари, техник иқтисодий асосларни мукамал ишлаб чиқиш ва ликвидли гаров таъминотини таъминоти тақдим этиш.

Ривожланган мамлакатларда йирик лойиҳаларни молиялаштириш учун синдикатли кредит воситаларидан кенг фойдаланилишини ҳисобга олиб, юртимизда йирик лойиҳаларни молиялаштиришда банкларнинг биргаликдаги фаолиятларини кенгайтириш. Бунда, банкларнинг инвестицион фаолиятларини мустаҳкамлаш билан бирга кредитлаш жараёнидаги хавф-хатарларни кредитлашнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгилаш бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш;

Инвестицияларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини такомиллаштириш. Бунда, инвестицион фаолиятни қўллаб қувватлашга ихтисослашган янги молия институтларини ташкил этиш ҳамда уларнинг функциялари ва имкониятларини кенгайтириш, мазкур институтларга малакали хорижий ва маҳаллий мутахассислар ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. D.Y. Xujamkulov, D.A. Ismailov “Investitsiya loyihalarini boshqarish” O’quv qo’llanma, T: 2019.
2. E.I. Nasirov, Sh.Sh. Asamxodjayeva, M.S. Aliqulov “Investitsiya loyihalarini Moliyalashtirish” 1-qism, Darslik, T: 2020.
3. Thierie, W., & De Moor, L. (2019). Determinants of bank loan spread in project finance. International Journal of Managing Projects in Business, 12(1), 161-186. 10.1108/IJMPB-12-2017-0154
4. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining rasmiy veb-sayti (www.stat.uz)
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти (www.cbu.uz)
6. Жаҳон банки ва World Bank Enterprise Surveys сайтлари (www.enterprisesurveys.org)